

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Танлов комиссиясининг раиси,  
Тошкент вилояти Қуи Чирчик  
туман Ободонлаштириши  
бошкарма бошлиғи

М.Ахмедов  
2022 йил “ ”



Чинобод МФЙ ички кучаларига туиги ёритгичлар хариди учун

## ТАЪМИНОТЧИ ташкилотни танлаб олиш учун

### ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Тошкент вилояти - 2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

## **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

### **II. Техник қисм**

### **III. Нархлар қисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ**

1. Танлов предмети: **МФЙ ички кучаларига тунги ёритгичлар харид килиш.**

1.2. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якуnlари бўйича ғолиб чиккан ижрочи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Тошкент вилояти Кўйи Чирчик туман **Ободонлаштириш бошқарма**, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Кўйи Чирчик туман,Дўстбод шахри. Улуғбек 2 уй.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов \_\_\_\_\_ - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

- корхона ишчи ходимларининг малакали мутахассисларга эга эканлиги ҳамда танлов предметиининг қиймати ва хафв-хатар тоифасига қараб соҳавий электрон рейтингда ижобий кўрсаткичга эга бўлганлиги;

- солик ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликларининг мавжуд эмаслиги молиявий барқарорлиги бўйича баланс хисботлари охирги уч йиллик;

- асосий ва иккиласми хисобварағидаги 2-сон картотека қарздорлигининг мажуд эмаслиги, ўз балансидаги асосий фонdlарга, мулкларга тақиқ кўйилмаганлиги, танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси;

- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- пудрат ташкилотининг техникаси ва кичик механизмлари бўйича умумий маълумотлар. \*(шакллар намунаси)

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арағасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида ([етендер.узех.уз](http://етендер.узех.уз)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

• Нархлар тақлифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.\*\*(иловалар намунаси)

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта тақлиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакқонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- тақлифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз тақлифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тұғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланған тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланған тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланған қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилғандан сўнг конунчиликда белгиланған тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланған шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланған шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланған кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталған иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.